
Навбатдаги сайёр қабул "Жангкетмон" маҳалласида ўтди

Фурқат туманида аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ ва манзилли чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фурқат туманидаги халқ қабулхонаси билан ҳамкорликда секторлар раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар ўтказилиб, аҳоли вакилларининг муаммоларини ижобий ҳал этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Бугун ҳам ўтказиб борилаётган сайёр қабулларнинг яна бири "Жангкетмон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Қабул давомида фуқароларнинг инфратузилмаларни яхшилаш, кадастр, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, бандлик, алимент ундируви, моддий ёрдам, тиббий хизмат ва бошқа масалалар билан боғлиқ 30 дан зиёд мурожаатлар мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир мурожаат диққат билан эшитилиб, ўртага ташланган масалаларни ўз ўрнида, қўшимча ўрганиш талаб этадиган муаммоларни қисқа фурсатда ҳал этиш чоралари кўрилди.

2024-01-30 09:49:41